

УДК: 8-1/-9+8-1

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ ҲИС-ТУЙҒУЛАР ТАЛҚИНИ
ТОЛКОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЧУВСТВ В ПОЭЗИИ АБДУЛЛЫ АРИПОВА
INTERPRETATION OF THE NATIONAL FEELINGS IN THE POETRY OF ABDULLA
ORIPOV**

А.Ҳамдамов

Аннотация

Абдулла Ориповнинг бадиий ижоди мавзу-масалаларига кўра ғоят бой. Ишқ-муҳаббат ва ҳижрон изтироблари, Ватанга муҳаббат ва фарзандлик бурчи, миллат тақдири учун жон куйдириш, ўз халқи билан фахрланиш, миллий ғурур туйғулари, аёлга, онага бўлган ҳурмат ва меҳр-муҳаббат юксак маҳорат билан куйланади. Халқ ва Ватан манфаатлари она табиат ва маънавият сингари муаммолар шоир шеъриятида муҳим ўрин тутади.

Аннотация

Художественное творчество Абдуллы Арипова весьма богатое, если судить по темам и проблемам, поднятым в его поэзии. Любовь к Родине и сыновний долг, забота о судьбе нации, гордость своим народом, чувства национальной гордости, уважение и любовь к женщине, матери, любовные переживания и томление от разлуки, - эти извечные темы воспеваются поэтом с высоким мастерством. Важное место в поэзии Абдуллы Арипова занимают интересы народа и родной страны, родная природа и духовность.

Annotation

Abdulla Aripov's creative work is very rich. Love for the Motherland and childlike duty, dedication to the nation, pride of people, national pride, respect for women, motherhood and love are highly valued. Problems such as nature and spirituality in the interests of people and the Motherland play an important role in poetry.

Таянч сўз ва иборалар: ватанни эъзозлаш, миллий урф-одатлар, халқона поэтик тафаккур, миллий рух, она халқ, бадиий тафаккур, ҳикмат.

Ключевые слова и выражения: почитание Родины, национальные обычаи, истинно народное поэтическое мышление, национальный дух, свой народ, художественное мышление, мудрое изречение.

Keywords and expressions: honor of Homeland, national traditions, folk poetic thinking, national spirit, native folk, artistic thought, wisdom.

XX аср ўзбек адабиёти тарихида 60-йиллар авлодининг алоҳида ўрни бор. Гарчанд мустабид тузумнинг мафкуравий зуғумлари бадиий ижод соҳасига ўз таъсирини ўтказишда давом этаётган бўлса ҳам, бир муддат ҳукм сурган илиқлик даврида адабиёт майдонида янги бир авлод кириб келди. Бу авлод ижодида миллий ўзлигини англаш, Ватанни эъзозлаш, миллий урф-одатларни тарғиб-ташвиқ қилиш, миллий ҳис-туйғуларни тараннум этиш тамойиллари етакчилик қилар эди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон каби шоирлар бу адабий авлоднинг етакчи шоирлари саналади. Даврнинг табиий бир эҳтиёжи бу авлод зиммасига анъанавий шеъриятни янгилаш ва бадиий тафаккурда теранлашувдек улкан бир вазифани юклаган эди. Ижод аҳли халқ дилига яқинлашди, халқнинг дарду аламларига шериклик туйғуларини илгари сурди; рамзлар воситасида ўз миллатининг тутқунликдан озод бўлишдек эзгу истагини баён қилди. Бу авлод вакиллари ижодида халқона поэтик тафаккурга хос белгилар пайдо бўлди. Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъри, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси, Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқирғи” ва бошқа шоирларнинг қатор туркумлари халқимиз қалбида чуқур из қолдирди. Миллий фикр тарбиясига ўз таъсирини ўтказди.

Бу шоирлар халқнинг чинакам меҳр-муҳаббатига сазовор

бўлиш учун ижодкорнинг эстетик идеали юксак бўлишини, ўзлари халқ ҳаётининг ичига кириши заруратини жуда теран англадилар. Шу боис, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бир шеърида:

Эл устозим, мен эсам –толиб!

Сўз дурларин термоқдир ишим.

Одамларнинг ўзидан олиб

Одамларга бермоқдир ишим, – деб умуман ижодкорга хос концепцияни ғоятда мухтасар тарзда ифода қилди. Табиийки, шоир зоти инсон кўнглининг таржимони сифатида қалам тебратди. Айниқса, унинг “мен”ида миллий, умуминсоний эзгу туйғулар тажассум топиши лозим. Шу маънода: “Ижодкор умуминсоний дардни шахсий дарддек қабул қилиши ёки шахсий дардини умуминсоний дард даражасига кўтариши лозим”, деб ёзади Абдулла Орипов [1,117]. Шоир ушбу талабни ўз ижодига тўла-тўқис татбиқ ҳам қилди.

Бу адабий авлод зиммасидаги маҳобатли миссия замирида “майда гапларни кўтармагай шеър” [2] деган ақида, умуминсоний ғояларни, ўзбекнинг миллий ўзлигини англашдек, халқни эркинликка, қолаверса, истиқболдаги истиқлол кунларига ҳозирлашдек улкан фикрлар мужассам эди. Абдулла Орипов феномени ана шундай адабий муҳитда табиий зарурат, “эҳтиёж фарзанди” сифатида майдонга келди.

Унинг бой ижодий мероси ўзининг теран

А.Ҳамдамов – ҚарДУ, филология фанлари номзоди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

мазмундорлиги, ниҳоятда серқирралиги билан ажралиб туради. Шоир жаҳон ва рус, ўзбек мумтоз ва замонавий шеърятининг илғор тажрибаларидан баҳраманд бўлган 60-йиллар адабий авлоди қаторида адабиётга кириб келди. Абдулла Орипов илк изланишлариданоқ халқ қалбидан ўрин олди, халқимиз назарига тушди; миллий хусусиятларини, ўзбек халқи дилидаги орзу-армонларни бадиий тасвирлаб, инсон руҳиятини жами мураккабликлари билан ифодалаш йўлидан борди. Бу эса унинг халқона поэтик тафаккурининг жозибали ҳосиласи саналади. Шоир асарларини шеърят мухлислари, илмий-адабий жамоатчилик мамнуният билан қарши олди. Илк шеърлари билан шеърят осмонида “митти юлдуз” бўлиб порлашининг сабаби ҳам шунда. Абдулла Орипов шеърларида шахс ва жамият руҳиятини, олам ва одам ғам-ташвишларини, орзу-умидларини, бахт-саодатини куйлади. Шу боисдан ҳам шоир асарларида эзгулик, адолат, гўзаллик сингари умуминсоний қадриятлар талқини асосий ўрин тутди. Зеро, Абдулла Орипов шеъряти она халқи ва Ватанига бўлган оташин муҳаббатнинг ёрқин кўринишидир. Рус адиби А.Островский таъкидлаганидек, “... халқ ёзувчиси бўлиш учун халқни яхши билиш керак. Шу халқ билан чамбарчас боғланган бўлиши, узвий бирлашиб кетиши керак. Ўз элини ўрганиш-билиш бадиий талант учун энг яхши мактабдир. Уни бадиий акс эттириш эса ижодий фаолият учун энг яхши майдондир” [3, 558].

Халқона поэтик тафаккур асослари бадиий адабиётнинг жамиятда адо этадиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода халқ шоири Абдулла Орипов “халқим”, “она халқим” таъбирларини қўллашга, халққа шу тарзда мурожаат этишга, шоирона тарзда хитоб қилиб ҳайқиришга ўзини маънан ҳақли санайди. Шоир “Юзма-юз” (1964) шеърисида аввал юлдузларга мурожаат этиб, менинг халқимнинг кимлигини билмайсиз, у жуда заҳматкаш, ҳалол, елда тиним бўлиши мумкин, лекин менинг халқим тиним нима эканини билмайди, “Шундай ишпарастдир у мунисинам”, деб ёзади. Шоир “ишпараст” деган янги поэтик сўз ясаши билан бирга “мунисинам” дея халқига меҳр-мурувватини назокат билан ифода этади. Сўнгра шоир давом этади:

*Мен уни ўйлайман тун-кечаларда,
Она халқим, дейман, меҳрим оқар жим.
Кўзимга баъзида кўринса жанда
Кўнглим тўлиб кетар, инграйман,
халқим...*

*Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг,
Пиширдинг ўзингга бенасиб таом.
Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб, ном олдинг - авом.*

“Юзма-юз” ўз даври, ижтимоий ҳаётда бир муддат ҳукм сурган илиқлик даври жараёнида

ёзилган шеър. Унда шоирни халқ билан ёнма-ён, руҳан ва вужудан бирга тасаввур этамиз. Шоирнинг меҳр-муҳаббати, халқининг забун аҳволи учун инграётгани яққол кўзга ташланади. Шоир “истикбол” (аввалги вариантыда “коммуна” шеърларнинг янги, таҳририй вариантлари алоҳида мавзу) баҳона дилини тўкади; мустабид тузум ўзбек халқини қай ҳолатга солганини рўй-рост баён этади. Оғзидан олов пуркаб турган аждаҳо комида туриб халқ ҳаётига оид ҳақиқатни айта олиш, табиийки, биринчи навбатда шоирдан жасоратни, ҳис-туйғуларни қуюқ образлар моҳиятига моҳирона жойлашни талаб этади. Яқин ўтмишда халқимизнинг асоссиз равишда нақадар камситилгани ва таҳқирлангани эркак эришгач, истиқлол неъматидан баҳраманд бўлган даврларда барчага аён бўлди. Ҳолбуки, тарих саҳнасидаги бу мудҳиш манзарани Абдулла Орипов ўз вақтида шоир кўзи билан аниқ кўрган эди. Юқоридаги шеър халқона содда шаклда ёзилгани учун ниҳоятда таъсирчан ва самимийдир. Мисралар моҳиятига жам бўлган зидлов, туйғуларнинг ўзаро қаршиланишида майдонга келган фалсафий мазмун ва оҳанг шоир тафаккур тарзининг ўзига хос сифат даражаларини, миллий руҳ қувватини кўрсатади.

Халқ донишмандлиги, донолигининг шеърин мисралар қатига маҳорат билан сингдирилиши ҳам халқона поэтик тафаккур тамойилларидан саналади. Абдулла Орипов мутафаккир шоир сифатида халқ қалбини, минг йиллар давомида ўзбек халқи ҳаёт тажрибаларидан ўтиб, маънавий қолиплаган ҳикматлар, мақоллар, маталлар, ҳикоят ва ривоятларни жуда яхши билади. Шоир халқимиз яратган маънавий хазинага, халқ қалбининг дилтортар оҳангларига шунчаки эргашмайди; унинг мазмун-моҳиятини тўла ўзлаштириб, ўз бадиий тафаккури мезонлари, ўзи яшаётган давр муаммолари, ҳамнафас ватандошлари ва миллатдошлари кўнгли билан боғлайди. Шоир халқининг истиқболи учун қайғуради; ўзининг ҳаёт йўлини, қисматини “халқ йўлига туташ”ган ҳолда баён этади. Сўнгра ўз она халқига бўлган эҳтиромини шундай ёзади:

*Сени, она халқим, севаман жондан,
Сенинг ташвишингни ташвишим дейман.
Нима қилолардим? Фойдам кам гарчанд,
Бироқ, мен ўзимча ғамингни ейман.*

Ўзбек халқининг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини ўз ташвишидек бадиий таъсирчан бўёқларда бетакрор тасвирлашга эришади. Шундай вазиятлар бўладики, бутун дунё ташвишини ўйлайди, ўзи мансуб бутун бир халқ ғам-ташвишларини “тоғдай оғир юкни” зиммасига олиб, “Қушдай енгил бўлиб юради шоир”. Табиийки, бу – шоир қисмати. Бу ҳам Абдулла Ориповнинг ижодкорлик тақдиридир. Шоир руҳан, маънан, жисман ўзини бунёд этган

халқ билан, киндик қони тўкилган Ватан билан бирга ҳис этади. Ортиқча сўзамоллик, ноўрин ғийбату машмашалар унга ортиқча.

Чинор соясидан баҳраманд бўлиб,

Турфа хил эртақлар тўқимоқ осон.

Ўзинг ҳам эртанинг ташвишин қилиб,

Қайдадир бир ниҳол экдингми, Инсон .

Инсон қалбини гўзаллаштириш, инсонни комил кўриш, “эртанинг ташвиши” – шоирнинг бош ташвиши. Шоир англаб етган ҳикмат шуки, ўтмиш турфа хил, бугун ўтиб бормоқда. Халқимиз томонидан қурилган бетакрор обидалардан, яратилган асарлар ва, умуман, барча маънавий-моддий қадриятлардан баҳраманд бўлиш осон иш. Тайёр ошни ҳамма ейди. Шоир айтмоқчи, дейлик қачонлардир аждодлар томонидан экилган ва етилган чинор соясида ҳузурланиб ўтириш, борингки, бировга гап ўргатиш, бошқача айтганда, эртақлар сўйлаш ҳамманинг ҳам кўлидан келади. Бироқ келажак учун, келажакдаги шу улкан йўлдан ўтадиган йўловчилар ташвишини чекиб, эрта бир кун баҳайбат чинор бўлиб етишишини ўйлаган ҳолда “бир ниҳол экдингми”, деган бағоят ўринли ва ҳамма замонлар учун муҳим бир саволни қўяди. Инсон ўйлайди. Зероки, бу тўртликдаги ҳикмат, ҳаётнинг турфа соҳаларига ҳам мос келадиган доно фикр халқ бисотидан олинган.

Абдулла Ориповнинг халқона поэтик тафаккурида донишмандлик, файласуфлик шоир ижодининг барча мавзу кўламида етакчилик қилади. Шоир учун энг табарруқ тушунча – Ватан. Она-Ватан хусусида шеър битмаган шоир камдан-кам топилади. Хусусан, Абдулла Орипов ижодида Ватан мавзуси етакчилик қилади. Академик М.Қўшжонов таъкидлаганидек, Абдулла Орипов “устозларидан сабоқ олиб, уларни такрорламаган ҳолда” Ватан тўғрисида жозибали шеърлар битди [4,48]. Зотан, шоир кўнгли ўз халқи ва она Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатга тўлиқдир. Шеърлар – ана шу гўзал кўнглининг сувратлари. Шоирнинг ўзи айтмоқчи:

*Ватандан айри кўнглини билингки,
яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз
сайратиб бўлмас.*

Беватанликда кўнгли асло яйрамайди. Шоир бу ҳолатни Алишер Навоийнинг машҳур рубоийсида айтилган “Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш” мисраларига ҳамоҳанг тарзда булбул образи воситасида баён қилади. Бандиликда, қафасда булбул сайрамайди. Булбул учун қафасдан кўра тиканли ошиён муҳим. Булбул учун чамандан айро бандилик эмас, балки эркинлик, кенглик муҳим. Бу ҳикматни ёзиш учун, албатта, улкан шоирона истеъдод ва қалб зарур. Абдулла Орипов бошқа бир саккизликда тўғридан-тўғри ҳикматнинг ўзига икки бор урғу беради:

Дунёда ажиб бир ҳикмат мавжуддир:

Агар бўлмай десанг бахтингдан жудо,

Агар яшай десанг рози бир умр,

Ватанинг тинч бўлсин, Ватан аввало.

Дунёда ажиб бир ҳикмат мавжуддир:

Агар бўлмай десанг Ватандан жудо,

Муносиб бўла бил унга бир умр,

Ватанга жонингни қилолгин фидо

Ватан маълум бир халқнинг мавжудлик белгиси. Шу боис, Ватан мавзусига, Ватан қайғусига ижодкор халқ ҳам, халқ ичидан чиққан ижодкор ҳам бепарво-лоқайд бўла олмайди. Ҳикмат шуки, ватандан жудо бўлиш – бу, бахтдан жудо бўлиш. Ватан тинчлиги энг улкан саодатдир. Яна бир таъкидланган ҳикмат шуки, лозим бўлса, Ватан учун жон фидо қилиш ҳам бахт. Абдулла Ориповнинг бир қатор шеърларини таҳлил қилар экан, адабиётшунос Абдулла Улуғов: “Шоир барча мавзудаги шеърларида маънавий гўзаллик, инсоний баркамолликка даъват этади”, деган ҳақли фикрни ёзади [5,130]. Зеро, шоирнинг халқ ва Ватан тақдирига оид шеърӣ кашфиётлари ҳам бу фазилатдан мустасно эмас.

Адабиётлар:

1. Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. – Т., 1988.
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
3. Островский А. Русские писатели о литературном труде. – Л., 1954
4. Улуғов А. Асл асарлар сеҳри. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.
5. Қўшжонов М. Абдулла Орипов. – Т., 2000.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).

УДК: 812-513.1

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МОДИФИКАЦИЯ МОДИФИКАЦИЯ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ MODIFICATION IN UZBEK LITERATURE

Н. Султонова

Аннотация

Мақолада модификациянинг бадиийлик мезонлари, унинг адабиётимиздаги ўзига хослигини адабий асарлар орқали таҳлил этилади.

Annotation

In this article, the artistic criterion of modification, its uniqueness in the native literature through literary works are analyzed.

Аннотация

В статье при помощи художественных произведений анализируются художественные критерии модификации и ее своеобразие в отечественной литературе.

Таянч сўз ва иборалар: образ, модус, атрибут, модификация, мезон, ўлчов, таҳлил.

Ключевые слова и выражения: образ, модус, атрибут, модификация, критерий, метрика, анализ.

Keywords and expressions: image, modus, attribute, modification, criterion, measurement, analysis.

Адабиётшуносликда бадиий-эстетик тушунчаларнинг ўзгариши маҳсули бўлган модификация ҳодисаси етарли даражада тадқиқ этилмаган. Манбада “модификация - (қадим лот. *modifikatio* – қарор топган мезон-ўлчовлар, латинча *modus* – мезон, кўриниш, образ, кўчма хусусият ва лот. *fasio* – қилмоқ, амалга оширмақ), қайта барпо қилиш, ниманингдир янги хусусият касб этиш билан шакл ўзгартирилиши”, [1,197], дея таъриф берилган. Демак, модификация тушунчасининг асосида файласуф Спинозанинг субстанция ва модус ҳақидаги умумфалсафий қарашлари ётади.

“Модус – ўлчов, мезон, усул, йўл, тариқа, тарз деган маъноларни билдириб келади. Предметнинг муайян ҳолатлардаги хусусиятини ифодалайди. Атрибут(ўзига хослик)дан шу жиҳати билан фарқ қилади. Спинозага кўра, модус субстанциянинг барча ўткинчи (кўчувчи) ҳолатларини ифодаловчи восита ҳисобланади. Унинг борлиги ўзига эмас, субстанция ва унинг хоссасига боғлиқ бўлади. Модусда, ўзининг пайдо бўлишини ягона, абадий, чегарасиз моддий субстанцияда топадиган нарсаларнинг абадий кўпаювчанлиги ва кўчувчанлик сифати акс этади” [2,290].

Демак, модус ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, ўз навбатида моддий ва маънавий жараёнлардаги доимий ўзгаришлар, янги моделлар пайдо бўлишини таъмин этади. Модификация ҳодисаси ўз-ўзидан адабий-бадиий ва тарихий жараёнларга ҳам тегишлидир. Бутун ҳолатда мавжуд бўлган жанрлардан, масалан, халқ қаҳрамонлик эпосидан бошқа эпик жанрларнинг шаклланиши, ўзгарган шаклда қайта туғилиши баъзи тадқиқотларда қайд этилган.

М.А.Алексеева модификация ҳодисаси бадиий аъёнларнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлиши ҳақида: “Аъёнага муносабат манфий ва мусбат; анланган

ва анланмаган бўлиши мумкин... Шоир хаос билан кураш олиб бориб, оламга уйғунлик (гармония) туҳфа этади. Бу – маданиятлар учун умумий бўлган, бир бутун, турли шаклларида кўра фарқланадиган мифо-логема”, деган фикрни илгари суради [3,13]. Б.Пастернак шеъриятидаги қатор мифологемаларнинг бадиий модификациялашув жараёнлари ҳақида сўз юритар экан, олима уларни М.Ю.Лермонтов, Е.А.Баратынский, Ф.И.Тютчевлар шеъриятидаги мифологемалар билан қиёслади ва модификация жараёнларининг бевосита мавжуд аъёнларнинг ўзгача шакл ҳосил қилишини назарий жиҳатдан исбот этади.

М.Алексеевнинг қуйидаги хулосаси бадиий модификация ҳақидаги фикрларимизни янада равшанлаштиради: “1910-йиллар ижодида ўзлаштирилган мифологемалар Б.Пастернакнинг динамик услуби билан модификацияга учрайди. Унинг поэтик тизимида чирмашиб, XX асрнинг мураккаблашган, диалогиклашган тафаккур тарзини юзага чиқаради” [3,14].

Демак, бадиий компонентларнинг модификацияга учраши бевосита қандайдир бадиий аъёнлар билан боғлиқ. Даврнинг адабий эҳтиёжлари, муаллифнинг ижодий даражаси, бадиий лабораторияси, ғоявий мақсадига кўра модификация турли поэтик компонентлар кесимида намоён бўлиши мумкин. Ёки бу жараён кўламдор тарзда юзага чиқиши, бир эмас, бир нечта бадиий компонент доирасида юз бериши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Агарда М.Алексеева мифологемалар модификацияси ҳақида сўз юритиб, бу ҳодисанинг бир миллий адабиёт (рус адабиёти) доирасидаги аъёнлар ичида содир бўлганлигини илмий асослаган, назарий хулосалар чиқарган бўлса, А.Борова образ модификациясининг икки миллат адабий

Н. Султонова - ҚарДУ тадқиқотчиси.